



220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил «4» март

№ 489а

Боғот шаҳарчаси

Фуқаро Машарипов Йўлдош Саидназарович вояга етмаган набираси 2009 йил 14 августда туғилган Юлдашев Бунёдбек Кудрат ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42 моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2020 йил 2 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.
2. Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида яшовчи фуқаро 1960 йил 28 мартда туғилган Машарипов Йўлдош Саидназарович вояга етмаган набираси 2009 йил 14 августда туғилган Юлдашев Бунёдбек Кудрат ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.
3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:
 - Маскур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васий ва ҳомийга) юбориш таъминлансин.
 - Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.
 - Васий ва ҳомийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижрасини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О. Холбоев